O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 14 январь ШАНБА

№ 4 (11.807)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Қадрли ватандошлар!

Барчангизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Қуролли Кучларимиз доимо мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигининг, кенг миқёсдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ўз ҳаётини дунёдаги энг муҳим ва олижаноб вазифа — Ватан ҳимоячиси деган шарафли касбга бағишлаган инсонлар эса давлатимиз ва жамиятимизда ҳамиша юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносиб бўлиб қолажак.

Биз ўтган давр мобайнида миллий Қуролли Кучларимизни шакллантириш, стратегик ва тактик вазифаларни бугунги кун талаблари даражасида ҳал қила оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлиги, мамлакатимиз ва бутун минтақамиздаги тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва хуружларни бартараф этиш ва уларга муносиб зарба беришга қодир бўлган ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган армияни барпо этиш йўлида кўп ишларни амалга оширдик.

Бизнинг Қуролли Кучларни қайта ташкил қилиш ва ислоҳ этиш бўйича қабул қилган Давлат дастуримиз Марказий Осиё минтақасидаги шиддат билан ўзгараётган ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ҳар томонлама чуқур таҳлилига, ҳудудимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ва реал хатарларни ҳисобга олишга, мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини кучайтиришга қаратилган, пухта ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган чора-тадбирларни амалга оширишга асосланган.

Бугунги кунда Қуролли Кучларнинг жанговар қобилиятини ошириш, армиянинг ташкилий тузилишини тубдан ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлаш, барча қўшин турлари, ҳудудий округлар, қисм ва бўлинмаларнинг хатти-ҳаракатларини яхлит тузилма сифатида уйғунлаштириш мақсадида иш олиб борилмоқда.

Армиямизни шартнома-контракт негизида профессионал асосга ўтказиш жараёни деярли ниҳоясига етмоқда. Ҳарбий ўқув юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларини модернизация қилиш, уларнинг моддий-техник ва ўқув базасини мустаҳкамлаш, замонавий компьютер техникаси, коммуникация ва ахборот технологиялари ҳамда таълим воситалари билан жиҳозлаш бўйича катта иш қилинмоқда. Буларнинг барчаси ҳар қандай вазиятда ҳам ташаббускор ва самарали қарорлар қабул қилишга қодир бўлган командир ва сержантларнинг янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда жорий этилган сафарбарлик-чақирув резерв хизмати тизими ўзини тўлиқ оқламоқда. Унинг сафларида ёшларимиз бошланғич ҳарбий тайёргарликни эгаллаш ва чиниқиш мактабини ўтамоқда, ўзининг эл-юрт учун кераклигини яна бир бор ҳис этмоқда.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун бугунги кун талабларига жавоб берадиган ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, ҳарбий шаҳарчаларни ободонлаштириш борасида ҳам кўпгина ишлар қилинмоқда.

Ҳарбий хизматчилар, жумладан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларни моддий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Хусусан, 2005 йилда уларнинг ойлик маошлари ўртача 35 фоизга оширилди, ҳарбийларни резервга бўшатишда тўланадиган тўловлар ҳажми эса икки марта кўпайтирилди, ҳарбий мутахассисларнинг касб маҳоратини оширишни рағбатлантиришга қаратилган қўшимча пул маблағлари ва бошқа тўлов турлари белгиланди.

Бу масалаларни ечиш учун зарур молиявий манбалар излаб топилмоқда, жумладан, қўшинларни модернизация қилиш жараёнида тежалган маблағлар ҳам шу мақсадларга йўналтирилмоқда.

Биз бугун катта ғурур ва ифтихор билан айта оламизки, ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда. Армияда улар ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланиб, ҳаётий қарашлари шаклланмоқда, Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топмоқда.

Эзгу орзу-умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган минглаб ёшлар учун армия сафларида хизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўлларини танлашда, олий маълумот, шу жумладан, ҳарбий маълумот олишда кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бугунги кунда айнан мана шу ёшлар мамлакатимизнинг фаол ва пухта тайёрланган кадрлар захирасини, Ўзбекистон келажагининг таянчи ва суянчини ташкил этмоқда.

Азиз ватандошларим!

Бугун барчамиз қандай мураккаб замонда яшаётганимизни, ўйлайманки, яхши тушунамиз. Халқаро террорчилик, экстремизм, тобора кўлами кенгайиб бораётган наркоагрессия каби бало-қазолар мамлакатимизнинг ҳозирги куни ва келажаги учун жиддий таҳдидга айланмоқда.

Кейинги вақтда биз турли бузғунчи ва муайян ташқи кучларнинг юртимиздаги вазиятни издан чиқариш, конституциявий тузумни ағдариш, ўзларининг узоқни кўзлаган қабиҳ режаларини амалга ошириш ва мамлакатимизнинг мустақил ташқи сиёсат йўлини ўзгартириш, ўз стратегик манфаатларига жавоб берадиган тараққиёт моделини зўравонлик билан жорий этишга қаратилган уринишларининг гувоҳи бўлдик.

Лекин бу кучлар энг асосий омилни — халқимизни ўз танлаган йўлидан қайтариб бўлмаслигини ҳисобга олмади.

Биз ана шу хатарли таҳдид ва мисли кўрилмаган тазйиқларга, туҳмат ва уйдирмалар оқимига мардона қарши тура олдик, ҳар бир оила ва бутун мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни сақлашга муваффақ бўлдик ва бугун қатъий ишонч билан ўз келажагимизни барпо этмоқдамиз.

Бундай вазиятда барчамиз доимо ҳушёр ва сергак бўлиш, янги куч ва имкониятларимизни сафарбар этган ҳолда, Қуролли Кучларимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини янада чуқурроқ англаймиз, албатта.

Бугун бу масала биз учун нафақат долзарб вазифа, балки давлатимиз ва жамиятимизнинг, мамлакатимиз тақдири ва келажаги учун бефарқ бўлмаган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Бизнинг бу борадаги вазифаларимиз қуйидагилардан иборат:

**биринчидан,** минтақамизда содир бўлган ва рўй бераётган воқеалар, уларнинг қайси йўналишда ривожланиб бораётганини инобатга олиш, хавфсизлигимизга раҳна солиши мумкин бўлган замонавий хатар ва таҳдидларни сезгирлик билан баҳолаш, мустақиллигимизга, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги, одамларимизнинг осуда ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай тажовузларни бартараф этишга қодир Қуролли Кучларимизнинг стратегия ва тактикасини такомиллаштириш.

Биз бепарволик ва лоқайдлик каби иллатлардан бутунлай халос бўлишимиз, ҳарбийларимиз, айниқса қўмондонлик ва раҳбарлик лавозимларида ўтирган шахсларнинг ўз иши учун талабчанлик ва масъулият ҳиссини оширишимиз даркор;

**иккинчидан,** қўшин турлари ва Қуролли Кучларимиз қисмларининг уйғун ва тезкор ҳаракат қилишига, уларнинг жойлардаги ҳокимият органлари ва жамоатчилик билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга эришиш мақсадида армиямизнинг ташкилий қурилиши ва ҳарбий бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган ишларимизни янада кучайтиришимиз зарур;

**учинчидан,** ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида унинг ўз фикри, атрофида кечаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларни, фаол ҳаётий позицияга эгалик ва ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш. Бу ўта муҳим масала армиядаги хизматни, барча бўғиндаги командирлар фаолиятини баҳолашда асосий мезон бўлиши лозимлигини кўзда тутган ҳолда, ҳарбий хизматчилар, биринчи навбатда ҳарбий хизматга чақирилганларни тарбиявий, ахлоқий-руҳий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тайёрлаш борасидаги ишлар қандай йўлга қўйилганини қайта кўриб чиқиш;

**тўртинчидан,** ҳарбий хизматчиларнинг касбий малакасини оширишга, ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларидаги ўқув-тарбия ишларини тубдан яхшилашга, уларни замонавий техника ва жиҳозлар, ўқув қўлланмалари ва таълим технологиялари билан таъминлашга биринчи даражали эътибор қаратиш. Курсантлар, билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларини битирувчиларнинг интеллектуал тайёргарлик даражасига алоҳида аҳамият бериш;

**бешинчидан,** қўшинларнинг юксак жанговар қобилияти ва самарадорлигини, ҳаракатчанлиги ва тезкорлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш мақсадида уларни энг замонавий қурол-яроғ ва техника, махсус жиҳоз ва аслаҳа билан таъминлаш масаласига армияни ислоҳ қилишнинг ўта муҳим ва устувор вазифаси сифатида қараш. Ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларни модернизациялаш, қўшинларнинг моддий-техник базасини ҳозирги замон талабларига мувофиқ тарзда мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил давом эттириш.

Юқорида зикр этилган барча вазифаларни бажаришнинг энг асосий шарти — ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший аҳволини, яшаш шароитларини яхшилаш, иш ҳақи ва таъминотини ошириш масалаларини босқичма-босқич ва тизимли равишда яхшилаб бориш давлат ва жамиятимизнинг, Қуролли Кучлар қўмондонлигининг доимий диққат-эътиборида бўлиши зарур.

Қадрли дўстлар!

Бугунги байрам кунида Қуролли Кучлар сафларида ўз хизмат бурчини шараф билан адо этаётган барча Ватан ҳимоячиларига, захирадаги аскар ва офицерларга мурожаат қилар эканман, бизнинг армиямиз юртимизнинг муқаддас сарҳадларини, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини, мусаффо осмонимизни доимо муносиб ҳимоя қила олади, деб қатъий ишонаман.

Яна бир бор сиз, қадрдонларимни Ватан ҳимоячилари куни билан табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони.**

**Мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинган кундан эътиборан Президентимиз Ислом Каримов томонидан истиқлолни мустаҳкамлаш, эл-юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган муҳим қадамлар қўйилди.**

# УЛАР — ХАЛҚИМИЗ ФАХРИ

1992 йил 14 январда мамлакатимиз ҳудудидаги барча Қуролли Кучлар Ўзбекистон юрисдикциясига ўтказилди. Истиқлолимиз тарихи зарварақларига муҳрланган бу улкан ижтимоий-сиёсий воқеа Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 29 декабрдаги Қонунида ўз аксини топди — мазкур сана юртимизда "Ватан ҳимоячилари куни" деб эълон қилинди. Шу боис ҳар йили мазкур кунни катта байрам сифатида муносиб нишонлаймиз.

Шу муносабат билан 13 январь куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида тантанали йиғилиш бўлди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистонда Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг ташаббуси ва раҳбарлигида ҳарбий соҳадаги ягона давлат сиёсати ишлаб чиқилди. "Мудофаа тўғрисида", "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунлар ҳамда ҳарбий Доктринанинг қабул қилиниши миллий армиямиз салоҳиятини янада ошириш ва жанговар шайлигини юксалтиришга хизмат қилиш билан бирга, ҳарбий ислоҳотлар стратегиясини белгилаб берди.

Мамлакатимиз мудофаасини ишончли таъминлаш ишига энг замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа жалб этилган. Ҳарбий таълимни ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Армиямиз учун зарур барча мутахассисликлар бўйича малакали офицер кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Профессионал армия аскарларининг ғоявий-сиёсий, жисмоний, жанговар тайёргарликдан ўтишидаги ғоят муҳим аҳамияти инобатга олиниб, сержантлар мактабларининг ташкил этилиши мавжуд ҳарбий округлар қисмларини ҳар томонлама чиниққан ҳарбийлар билан таъминлаш имконини бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси*
*Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси "Жануб" чегара қўшинлари минтақавий штабининг Термиз чегара районини Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси "Жануб" чегара қўшинлари минтақавий штаби Термиз чегара району шахсий таркибининг республикамиз миллий хавфсизлигини, Ватанимиз ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашга қўшаётган катта ҳиссасини, жанговар-хизмат фаолиятида ижобий натижаларга эришганлигини, ҳарбий хизматчиларнинг маҳорати ва юқори профессионал даражасини, уларнинг Ўзбекистон Республикаси чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш вазифаларини бажаришдаги фидокорлиги ва мардлигини инобатга олиб, шунингдек, Ватан ҳимоячилари куни нишонланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси "Жануб" чегара қўшинлари минтақавий штабининг Термиз чегара районини Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри, 2006 йил 12 январь.

# ҲАРБИЙЛАР ШАРАФЛАНДИ



**Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 14 йиллиги муносабати билан Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият саройида «Мардлар қўриқлайди, Ватанни!» мавзуида катта байрам тантанаси бўлиб ўтди.**

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан уюштирилган тадбир Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондонлиги, мудофаа, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят кенгашлари ҳамкорлигида ўтди.



Ҳеч бир давлатни унинг мустақиллигини қўриқловчи мунтазам Қуролли Кучларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Халқимиз тинчлик ва осойишталиги ҳамда бунёдкорлик меҳнатининг ишончли ҳимояси Ўзбекистон Қуролли Кучларининг энг олий бурчидир. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Биз ўтган давр мобайнида миллий Қуролли Кучларимизни шакллантириш, стратегик ва тактик вазифаларни бугунги кун талаблари даражасида ҳал қила оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлиги, мамлакатимиз ва бутун минтақамиздаги тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва хуружларни бартараф этиш ва уларга муносиб зарба беришга қодир бўлган ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган армияни барпо этиш йўлида кўп ишларни амалга оширдик».

Дарҳақиқат, ўтган йиллар давомида миллий армиямизни шакллантириш, мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга жиддий эътибор бериб келинди. Ихчам, замонавий, ҳар қандай синовларни енгиб ўтишга қодир, бутунлай янгича асосларда ташкил этилган ҳамда стратегик мақсадларимизга мос келадиган Қуролли Кучларимизни яратиш бўйича узоқни кўзлаб, муҳим ташкилий ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги қонунларининг асосий ғоялари юртбошимизнинг асарлари, нутқлари ҳамда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги дастурий маърузасида илгари сурилган концепцияси асосида ишлаб чиқилди. Уларни тайёрлашда АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Австрия, Италия, Польша, Россия сингари ўнлаб хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва илғор тажрибалари ўрганилди.

Тантанали байрам маросимида Тошкент вилояти ҳокими Мирзамашрап Куччиев мамлакатимизда миллий армияни шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини эътироф этган ҳолда барча иштирокчиларни ҳамда муқаддас бурчини шараф билан адо этаётган ҳарбийларни байрам билан муборакбод этди ва соҳада самарали меҳнат қилаётган фидойи касб эгаларидан бир гуруҳига фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар топширди. Шунингдек, Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондонлиги ва жамоат ташкилотлари томонидан бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар, билим юртлари курсантларига эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТЛАРДА:*** *тадбирдан лавҳалар.*

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

## Бугун — Ватан ҳимоячилари куни

# ЎҒЛОНЛАРИ ЎКТАМ ЮРТ

**Инсоният яралибдики, Ватан, она тушунчаларини ардоқлаб келади. Ўз қадриятлари, миллий ғururини ҳар қандай нарсадан устун қўювчи юксак маънавиятли, улуғ инсоний фазилатли халқимиз учун она-Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.**

Бугун Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 14 йиллик байрами, Ватан ҳимоячилари куни бутун халқимиз томонидан кўтаринки руҳ билан нишонланмоқда. Шу муносабат билан Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи Зоҳиджон Аҳмадхўжаев мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Ҳурматли Президентимиз таъкидлаганларидек, «Биз бугун катта ғурур ва ифтихор билан айта оламизки, ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда. Армияда улар ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланиб, ҳаётий қарашлари шаклланмоқда». Табиийки, уларни мана шундай даражага етказиш борасидаги саъй-ҳаракатлар, Қуролли Кучларда ислоҳотларни амалга ошириш босқичлари ҳар томонлама пухта режалаштирилган. Амалдаги қонунлар ижроси ҳозирги кунда ўз самарасини кўрсатмоқда.

Бугун ҳарбий хизмат аскар ва офицерлардан нафақат жисмоний бақувватлик, пухта жанговар билимлар, балки, кучли ирода, маънавий етукликни талаб қилади. Ўқув-машқ машғулотларининг изчиллиги йигитларимизда шундай фазилатларни камолга етказишга хизмат қилади. Шу боис, ҳарбий хизматга махсус тайёргарлик кўрган ёшларимиз тест синовлари асосида қайта-қайта сараланади. Жисмонан бақувват, маънавий-руҳан соғлом, ҳар томонлама саводли ўғлонлар, чақирилувчилар ҳар йили катта тантана ва шодиёна билан хизмат жойларига кузатиб қўйилади. Барча шароитларнинг муҳайё этилиши, қолаверса, хизматни ўтаб келаётган йигитларга ўқиш ва ишда турли имтиёзлар берилиши, нафақат ёшларнинг, балки, ота-оналарнинг ҳам кўнглидаги иш бўлди. Шунинг учун бўлса керак, ҳарбий хизмат ҳар бир йигит учун орзу-ҳавасга, шарафли бурчга айланди. Ҳозир бўлғуси аскарларга қўйиладиган талаблар ҳам оширилди.

Ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлиш учун тайёргарлик аслида оиладаги тарбиядан, мактаб партасидан бошланиши керак. Жисмоний, маънавий-руҳий тайёргарлиги юқори бўлган йигитлар оилавий шароити, маълумоти, интеллектуал даражаси ҳисобга олинган ҳолда, шунингдек, энг юқори балларга эга бўлган тақдирдагина муддатли хизматга, бошқалари эса, сафарбарлик чақирув резервидаги хизматга чақирилади.

Кейинги пайтларда оммавий ватанпарварлик ойлигини ўтказиш анъанага айланиб қолди.

Ана шу ойлик давомида ўтказилган ҳар қандай тадбир, аввало, Ўзбекистон Қуролли Кучлари қудрати ва салоҳиятини ошириш, ёшларни юртга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадларига хизмат қилади. Ойлик дастури доирасида ўтказилаётган учрашув ва суҳбатлар, турли спорт мусобақаларида Тошкент, Зангиота, Қибрай, Юқоричирчиқ туманлари ҳамда Чирчиқ, Олмалиқ шаҳар ёшлари фаол иштирок этмоқда. Вилоят ҳокимининг режасига биноан ҳарбий қисмларга бориб хабар олиш, ўқувчилар ва чақирилувчиларни ҳарбий хизмат билан таништириш, ҳарбий қисмларга ота-оналар ташрифини ташкил этиш каби хайрли тадбирлар ҳам ватанпарварлик ойлигида амалга оширилди. Тадбирлар нафақат «Оммавий ватанпарварлик ойлиги»да, балки, йил-ўн икки ой давом этиши бизда яхши анъана бўлиб қолмоқда.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири Сайёра РИХСИЕВА суҳбатлашди.**

**Файзиевлар сулоласини Зангиота туманида кўпчилик яхши билади. Бу оиладан бир йўла беш ҳарбий етишиб чиққан. Катта сержант Эркин Файзиев оиланинг ўртанча фарзанди.**

# СУЛОЛА ВАКИЛИ

Айни пайтда Эркин Файзиев Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда назоратчилар гуруҳининг командири вазифасида хизмат қилади. У тажрибали ва талабчан, ўз вазифасига сидқидилдан, масъулият билан ёндашади. Берилган топшириқларни ўз вақтида кўнгилдагидек бажариб келганидан вазирлик, қўмондонлик томонидан бир неча бор фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди. Йилнинг "Энг яхши шартнома асосида хизматчиси" деган шарафли номга сазовор бўлди.

**ЎзА.**

***Қуролли Кучларимиз доимо мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигининг, кенг миқёсдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.***

***Ислом КАРИМОВ.***





Бугунги кунда Қуролли Кучларимизда асосий эътибор ҳарбий хизматчиларни жисмоний, маънавий-ахлоқий, интеллектуал тарбиялашга, уларни ҳар томонлама касбий маҳоратларини оширишга қаратилган.

Жумладан, Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактаби мана тўрт йилдирки, Ўзбекистон Қуролли Кучларига малакали кадрлар етказиб бермоқда.

— Ҳозирда мактабимизда 18 мутахассислик бўйича 300 нафардан зиёд сержантлар билим олмоқда, — дейди мактаб бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Риспек Шанбетов. — Уларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликдаги маҳоратларини ошириш учун бу ерда барча қулайликлар мавжуд бўлиб, ҳамма мутахассисликлар бўйича замонавий ҳарбий-ўқув-услубий қўлланмалар билан жиҳозланган. Бундан ташқари спорт билан шуғулланишлари учун гимнастика, қўл жанги шаҳарчалари ва бошқа майдончалар бор.

***СУРАТЛАРДА:*** *сержантлар тайёрлаш мактаби ҳаётидан лавҳалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# РАСМЛАРДА САДОҚАТ РАМЗИ

**Ватан ҳимоячилари куни арафасида Қуролли Кучлар марказий музейида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари томонидан яратилган асарларнинг навбатдаги 6-умумармия анъанавий кўргазмаси бўлиб ўтди.**

Унда иштирок этиш ҳуқуқи қатъий танлов асосида ҳарбий қисм ҳамда турли қўшинларда ғолиб бўлганларга берилади. Жами 200 дан зиёд келган расмлар орасидан 60 таси комиссия аъзолари томонидан саралаб олиниб, кўргазмага қўйилган.

Кўргазмадан Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, офицер, оддий аскар, қолаверса, уларнинг фарзандлари қўли билан яратилган «Ўзбекистон — Ватаним маним!» мавзусидаги асарлар жой олган.

Ушбу асарларда диёримизнинг гўзал табиати, миллий қадриятларимиз, ўзбек ҳунармандчилигининг бетакрор анъаналари хамда она-Ватанга бўлган муҳаббат, садоқат туйғулари акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси билан ҳамкорликда 1 та биринчи, 2 та иккинчи, 3 та учинчи ўрин эгалари танлаб олиниб, ғолибларга пул мукофоти, қолган иштирокчиларга эса турли совғалар топшириш кўзда тутилган.

Бу кўргазма мамлакатимиз ҳудудларида жойлашган ҳарбий округ ва узоқ гарнизонларда хизмат қилаётган ҳарбийларимиз орасидан санъатсеварларни аниқлаш ва уларнинг маҳоратларини оширишда муҳим омил бўлади.

**Мўмин ИБОДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# УЛАР – ХАЛҚИМИЗ ФАХРИ

Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари бошқарув органлари тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонига биноан ҳарбий округлар тузилди. Ҳарбий соҳадаги бундай кенг кўламли ислоҳотларнинг самараси ўлароқ, мамлакатимизда профессионал армия талабидан келиб чиққан ҳолда ҳарбий қисм ва муассасаларнинг қайта жойлаштирилишига эришилди. Ҳар қандай мураккаб вазиятда дадил ҳаракат қила оладиган, тезкор ва ҳозиржавоб махсус бўлинмалар ташкил этилди. Бир сўз билан айтганда, армиямиз замон талабига мос равишда ихчам ва профессионал шаклга келтирилмоқда.

Мамлакатимизда муддатли ҳарбий хизмат бир йил этиб белгиланди. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг жорий этилиши эса дунё ҳарбий тажрибасида том маънодаги янгилик бўлди. Бунинг натижасида қўшинларни тайёрлаш, уларни техникавий таъминлаш сифатини яхшилаш, ҳарбий хизматчилар турмуш даражасини юксалтириш масалаларига эътибор янада кучайди. Она юртимиз мудофааси учун етарли даражада резервчилар армиясини тайёрлаш имкони юзага келди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларимизни иш билан таъминлашда ўзига хос устуворликлар мавжуд. Бундан ташқари, олий ўқув юртида ўқиш истагида бўлган намунали аскарларга қатор имтиёзлар берилиши йўлга қўйилди. Ҳарбий қисм қўмондонлигининг махсус тавсияномасини қўлга киритган абитуриентга олий ўқув юртларига киришида тест синовларидан тўплаган балларига тўпланиши мумкин бўлган энг юқори баллнинг йигирма беш фоизи миқдорида қўшимча балл берилади. Тавсияномага эга бўла туриб, тест синовларида зарур балл тўплай олмаган абитуриентлар эса айрим таълим йўналишлари бўйича тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади.

Эндиликда она Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташ фуқароларимизнинг конституциявий бурчигина эмас, шарафли ва масъулиятли ишига айланди. Миллий армиямиз ёшларнинг иродасини тоблайдиган, уларга оила ва мактабда олиб улгурмаган билим ва тарбияни ўргатадиган, ўз Ватани ва халқига садоқат, жасорат ва матонат мактаби ҳамдир. Шубҳасиз, эл-юртимиз тинчлиги ва хавфсизлигининг, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони бўлган миллий армиямиз ҳар жиҳатдан қудратли, ҳарбий маҳорат борасида ҳеч кимдан кам эмас.

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ Ватанимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Йиғилишда Ватаннинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан сержантлар А.Юсупов ва М.Неъматова ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик ва эътибор учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

Бу йил ҳам Ўзбекистон Қуролли Кучларида уч босқичдан иборат анъанавий танлов ўтказилди. Биринчи босқич ҳарбий қисмлар, иккинчи босқич ҳарбий округлар бўйича ва учинчи босқич Қуролли Кучлар миқёсида ташкил этилди. Йиғилишда "Энг илғор сержант", "Энг илғор гуруҳ командири", "Энг илғор взвод командири" ва "Энг илғор батальон командири" йўналишлари бўйича ўтказилган мазкур танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Байрам тадбирида санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта концерти намойиш этилди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев қатнашди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Норали ОЧИЛОВ, ЎзА мухбири.**


## Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент вилояти кенгаши

**вилоятимиз аҳолисини, хусусан, ҳарбий хизматчилар ҳамда Ватан олдидаги муқаддас бурчини ўтаётган ўғлонларимизни**

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни билан самимий қутлайди.**

**Юртимиз хавфсизлиги, унинг Қуролли Кучлари мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, шунингдек, Ватан ҳимояси учун бел боғлаган ёшларимизга шижоат ва омадлар тилайди.**



## «Ватанпарвар» ташкилоти

автомобиль бошқаришни хоҳловчиларни халқ хўжалиги учун зарур бўлган турли тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун ўқишга таклиф этади.


# КОЛЛЕЖДА ДАВРА СУҲБАТИ

**Пскент туманидаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ўтказилган «Миллий армиямиз мустақиллигимизнинг мустаҳкам таянчидир» мавзуидаги тадбир Ватан ҳимоячилари кунига бағишланди.**

Туман «Маънавият ва маърифат» маркази ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда туманнинг мудофаа ва ички ишлар бўлимлари, «Муротали» чегара ҳамда ҳарбий алоқа бўлинмаларининг ходимлари иштирок этдилар. Улар миллий ва профессионал армияни ташкил этишдан кўзланган мақсад, Қуролли кучларни энг замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминлаш, аскарлик масъулияти, бўлғуси Ватан ҳимоячилари олдида турган вазифалар тўғрисида коллеж талабаларига сўзлаб беришди.

Тадбир сўнгида талаба-ёшлар томонидан қизиқарли саҳна кўринишлари, Ватан мавзусига бағишланган шеърлар ҳамда куй-қўшиқлар ижро этилди.

**Башорат САТТОРОВА.**

# ГАЗ ТАЪМИНОТИДА МУАММО ЙЎҚ

**Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ истеъмолчиларга газ етказиб бериш, аҳоли ҳамда корхоналарни газлаштириш борасида Қибрай туманида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

Туман газ таъминоти корхонаси ишчи-хизматчиларининг саъй-ҳаракати ҳамда "Тошвилоятгаз" ҳудудий уюшмаси кўмаги билан тумандаги Туроб Нурмуҳаммедов ширкат хўжалигида 16 километр газ қувури тортилди ва юқори босимли газ тақсимлаш шохобчаси ўрнатилди. Қурилиш-монтаж ишларига бир миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.

– Айни пайтда ўттиз мингдан зиёд истеъмолчига хизмат кўрсатаяпмиз, – дейди туман газ таъминоти корхонаси раҳбари муовини Абдусаттор Асилбеков. – Аҳолига кўрсатилаётган хизматнинг тўғри йўлга қўйилгани, ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда дебитор қарздорлик тугатилди. Қиш мавсумида истеъмолчиларни газ билан таъминлашда муаммо йўқ.

**"Экосан" халқаро ташкилотида 2005 йил якунлари ҳамда жорий Ҳомийлар ва шифокорлар йилидаги вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказилди.**

# «ЭКОСАН»НИНГ КЕЛГУСИ РЕЖАЛАРИ

Йиғилишда Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб бир қатор давлат ва нодавлат ҳамда халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилиши режалаштирлаётган мақсадли дастурлари муҳокама қилинди.

Тадбирда таъкидланишича, ушбу дастур доирасида 2006 йилда ҳомийлик ёрдамларини кўрсатиш янада кенгайтирилади. Оролбўйи минтақасида ва бошқа экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларда яшовчи кам таъминланган оилалар, шунингдек тиббиёт муассасаларига ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилади.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи, санитар-гигиеник ва экологик билимни тарғиб қилувчи "Энг яхши оилавий поликлиника", "Энг ибратли участка шифокори", шунингдек юқумли касалликлар шифохоналари ўртасида "Санитар-гигиеник ва экологик маданияти юқори шифохона" каби республика кўрик-танловлари ўтказилади.

# ТАЛАБАЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

**Пойтахтимиздаги "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида олиб борилган кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари натижасида талабаларнинг тураржойлари ва бошқа иншоотлар ёшларнинг талаб ва эҳтиёжларига мос равишда таъмирдан чиқарилди, барча қулайликларга эга бўлди. Жумладан, шаҳарчада жойлашган 32-талабалар поликлиникаси ҳам қайта таъмирланиб, замонавий тиббий воситалар билан жиҳозланди.**

Мазкур шифо масканининг фойдаланишга топширилиши муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда маънавий етук, жисмонан баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш, йигит-қизлар онгу шуурига миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур сингдириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидладилар.

**ЎзА.**

# БОЛАЛАР ЧИЗГАН ЭРТАКЛАР

**Пойтахтимизда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти – ШҲТга аъзо давлатлар болаларининг "Болалар чизган эртаклар" мавзуидаги бадиий кўргазмаси якунланди. Республика Миллий дизайн коллежида ўтган мазкур тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилди.**

ШҲТ давлатлари болаларининг ана шу мавзудаги расмлар кўрик-танлови ўтган йили Хитой Халқ Республикасида бўлиб ўтган эди. Танловга Хитой, Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан беш мингдан зиёд ўғил-қиз чизган расмлар юборилганди. Улардан соврин ва мукофотларга сазовор бўлган икки юздан ортиқ расм 2005 йил 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида Пекин тасвирий санъат музейида намойиш этилди.

Ғолиб деб топилган расмларнинг катта қисми – элликка яқини ўзбекистонлик болалар қаламига мансуб экани қувонарли. Бу мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг пухта билимли, ҳар томонлама етук ва баркамол шахс бўлиб вояга етиши борасида қилинаётган ғамхўрликнинг яна бир самарасидир.

Энди "Болалар чизган эртаклар" бадиий кўргазмаси ШҲТга аъзо барча давлатларнинг пойтахтларига кўчмоқда. Турли миллат ёш истеъдодлари эртаклар мавзуида чизган асарларнинг Тошкентдаги намойиши ранг-баранглиги билан чинакам болалар ижодиёти фестивалига айланди.

Тадбир доирасида болалар ижодий жамоаларининг концертлари, машҳур рассомлар, санъатшунослар иштирокида маҳорат сабоқлари, суҳбатлар, учрашувлар, тасвирий санъат дарслари бўлиб ўтди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

## Илк қадам



### ОНАЖОН

*Онажон, ҳар сўзингиз умримга зиё,*
*Изларингиз кўзларимга тўтиё.*
*Сиз борсиз, бахтиёрлик қалбимга ёр,*
*Сиз туфайли файзиёбдир шу дунё.*

*Онажоним, суянч тоғим ўзингиз,*
*Дилга малҳам ҳар бир айтар сўзингиз.*
*Бу дунёнинг шодлигини сизда кўргум,*
*Фарзанд бўлиб, яшнатолсам кўзингиз.*

**Умиджон ҒУЛОМОВ.**

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ●



## ИККИ РАУНД КИФОЯ БЎЛДИ

**Ўзбекистонлик ўта оғир вазнли енгилмас профессионал боксчи Руслан Чагаев Германиянинг Мюнхен шаҳридаги Die Kulturhalle спорт мажмуида тажрибали америкалик чарм қўлқоп устаси Роб Кэллоуэга қарши навбатдаги рейтинг жангини ўтказди.**

Аслида америкалик боксчи Германиянинг Universum Box Promotion клубида андижонлик боксчилар – Руслан Чагаев ва Муҳаммадқодир Абдуллаев билан бирга шуғулланаётган украиналик Александр Димитренко билан куч синашиши кутилаётган эди. Бироқ номаълум сабабларга кўра, Александр Димитренко америкалик боксчига қарши рингга чиқмаслигини билдирди. Бунинг оқибатида Universum Box Promotion мутахассислари Роб Кэллоуэ билан Руслан Чагаев беллашишини эълон қилди.

Табиийки, ушбу жанг кўплаб мухлису мутахассисларда қизиқиш уйғотди. Чунки ҳар икки боксчи 2002 йилнинг 5 октябрида АҚШнинг Детройт шаҳридаги Cobo Hall спорт мажмуида ўзаро куч синашган ва профессионал рингда атиги бешта жанг ўтказган Руслан Чагаев тажрибали боксчини анча қийнаган эди. Бироқ, ўн раундга мўлжалланган жанг мезбонлар вакили Роб Кэллоуэнинг юзи ёрилгани боис учинчи раундда тўхтатилган ва беллашувда техник дуранг қайд этилганди.

Мана орадан тўрт йил ўтди. Бу вақт мобайнида Руслан Чагаев профессионал боксда ҳам анча маҳоратини оширди ва кўпчиликнинг эътиборини қозонган мазкур жангда рақибидан кучли эканини яна бир карра исботлади. Беллашувни кескин ва қақшатқич ҳужумлар билан бошлаган Ўзбекистон чарм қўлқоп устаси ўн раундга мўлжалланган жангнинг иккинчи раундида Роб Кэллоуэга чап қўли билан бир жуфт кучли зарба берди. Ерга қулаган америкалик боксчи ҳакамнинг саноғи тугагунча ўрнидан қўзғалмади. Шундай қилиб, Руслан Чагаев йигирма учрашувдаги ўн тўққизинчи ғалабасини нишонлади. Натижада енгилмас боксчимиз ўта оғир вазндаги боксчилар рейтингида 48-поғонага кўтарилди.

## РУСТАМНИНГ ЯНА БИР ҒАЛАБАСИ



**Шахмат бўйича 18-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов янги йилни ғалаба билан бошлади. Эстония пойтахти Таллин шаҳрида тезкор шахмат бўйича ўтказилган халқаро турнирда у юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.**

Нуфузли турнирнинг саралаш босқичида эллик нафар шахматчи дона сурди. Улардан ўн нафари мусобақа финалида ғолиблик учун куч синашди. Мусобақада тўққиз имкониятдан еттитадан очко жамғарган уч гроссмейстер – Рустам Қосимжонов, 12-жаҳон чемпиони Анатолий Карпов (Россия) ҳамда Украина вакили Василий Иванчук биринчи ўринни эгаллади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.**



*Қор учқуни оппоқ,*
*капалаксимон*

*Гир айланиб, қўнар*
*кафтимизга.*

*Бир дам ялтирар-у,*
*мисоли симоб*

*Эриб кетар қўл*
*тафтимизга.*

**Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.**

## ЛОЙИҲА ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ

**Германия техникавий ҳамкорлик ташкилоти томонидан ўтказилган танлов вилоятимиздаги қатор ўқув юртлари учун ҳам жиддий синов бўлди.**

Ангрен компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи жамоаси ушбу нуфузли танловда ғолиб чиқиб, компьютер ва коммуникация технологиялари йўналиши бўйича совринли лойиҳани қўлга киритди.

Тоғ ишлари механиги, технологи, компьютер оператори ва дастурчиси каби ўнга яқин мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаб келаётган коллеж эндиликда компьютер ва ахборот технологиялари жиҳозлари, компьютер маркази ҳамда созлаш ва таъмирлаш устахонасига эга бўлди.

**Акбар АЛИЕВ.**

## Биз билган, билмаган дунё

# ТАҲҚИРЛАНГАН ДАҲО

Ўтган асрнинг ўрталари. Институтни бирга битирган ўртоғим Усмонали мени ўзининг Облиқ қишлоғига таклиф қилди. У Ангрен кўмир конида муҳандис бўлиб ишларди. Мен эса Тожикистон конларидан бирида ишлаб, эндигина диссертация ёқлаган кезим. Табиатан меҳмондўст ва қўли очиқ бўлган дўстим қўй сўйиб, менга мунтазир экан. Дастурхон атрофида ўтириб, кончиликнинг геологик хусусиятлари ва табиий сирлари ҳақида қизғин суҳбат бошладик. Гап, ер остида ишловчи баъзи кончиларнинг, ҳали фанга номаълум, ғалати сирли кучлар, тошларнинг ўзидан-ўзи отилиб туриши, қандайдир ёруғликни кўришлари, этни жимирлатувчи овозларни эшитишлари каби мавзуга кўчганида, остонада ўрта бўйли, сочлари ўсиқ, қалин соқол қўйган бир йигит пайдо бўлди. У салом ҳам бермай, бизга бефарқгина бир қараб қўйдида, дастурхондан икки бўлак устихонли гўштни олиб яримта ноннинг устига қўйди-ю, индамай чиқиб кетди. Унинг барча ҳаракатларига жимгина назар солиб, Усмоналига қарадим. Қулоғигача қизариб кетган дўстим:

— У киши акамлар... Москвада, академик Курчатовнинг аспиранти эди. Диссертацияни тугатиб, энди ёқлаш олдидан мияси айниб, қайтиб келди, — деди хомушгина.

— Ҳозир нима иш қилади?

Усмонали қўл силтади:

— Икки йилдан бери ҳеч қаерда ишламайди. Жинни деб ном олган одамга ким ҳам иш берарди? — Усмонали бир хўрсиниб, сўнг қўшиб қўйди. — Безиён юрганига ҳам шукр! Атрофимизда геологлардан қолиб кетган штольнялар кўп. Акам шуларнинг ичига кириб, икки-уч кун йўқ бўлиб кетади. Ўзича қандайдир тошларни қидирган бўлади. Ётадиган ери ҳам ўша штольняларнинг ичи. Ер юзига фақат овқат керак бўлгандагина чиқади. Одамларга кўрингиси келмайди, улардан безган...

Олимнинг айни шаклланиш пайтида шундай аянчли аҳволга тушиб қолганига ичичимдан ачиндим. Бироз бўлса-да, ёнимизда ўтириб, биз билан бир дастурхондан овқатланишини истадим...

Икки дона устихон гўштига қорни тўйган йигит дас-



турхонга бошқа қўл чўзмади. Пойгакдаги кўрпачага омонатгина чўкиб, индамай ўтирарди. Ёши ўттизларда бўлган бу йигитнинг соқол қўйган юзидан ажиб нур ёғилаётгандек, кўзлари эса ҳорғин ва ўйчан эди. Унга тикилиб қолганлигимдан ҳижолат тортиб, гапни нимадан бошласам экан деб турганимда, унинг ўзи менга гап қотди:

— Сиз Ўролда ўқиган экансиз-да, — деди, сўнг менинг тасдиғимни ҳам кутмай, гапида давом этди. — У ерда кучли илмий мактаблар мавжудки, баъзи илмлар бобида жаҳон даражасига кўтарилган.

Ташқи кўринишию гапларидан руҳий касалга сира ўхшамайдиган бу одамга қизиқиб қолдим. Аммо у билан нима мавзуда гап бошлашга қийналардим.

— Физик эканлигингизни Усмоналидан эшитиб, очиғи, сизга ҳавасим келди, — дедим.

— Афсуски, ҳавас қиладиган ери йўқ, — деди йигит хўрсиниб. — Физика фани эса мендан ҳам баттар аҳволда, — деди маъюс жилмайиб. — Бу жинни нималарни валдираяпти, деб гапимга ҳайрон бўлманг. Ҳа, физика фани мушкул аҳволда. Сиз билан биз билган бугунги физика математика фанидан тахминан минг йилга орқада қолган... Математиклар бу дунёда мусбат сонларнинг манфий сонлар каби акси борлигини исботлаб берганларига минг йилдан ошди. Бироқ физиклар бу манфий сонларнинг табиатан борлигини ҳозиргача исботлаб бера олмаяптилар...

Усмонали акасининг гапларидан хижолат тортар, мен эса олимлик шаънимга иснод бўлишидан қўрқиб, йигитнинг гапига тушунгандек бўлиб, бош силкиб ўтирардим. У бўлса ўз фикрини соддалаштириб гапирар ва менинг шахсимда ўзига ҳамсуҳбат, ҳамфикр одамни кўришга уринарди:

— Математиканинг тасдиғича, 1, 2, 3 ва ҳоказо рақамлар бор экан, унинг манфий кўринишдаги -1, -2, -3 каби уларнинг акси ҳам бор эканлигини исботлаб берганлар. Демак, сиз билан мен кўриб турган ҳамма борлиқ нарсалару моддалар мусбат кўринишда бўлиб, қандайдир бир ҳодиса таъсирида улар манфий кўринишга ўтади. Масалан, мусбат кўринишдаги қоғоз ёки ёғоч аланга таъсирида ёниб, унинг манфий ҳолатига ўтганидек, ёки...

**Аъзам АЗИМИЙ, техника фанлари доктори, профессор.**

(Давоми бор).

## Турмуш чорраҳаларида

Кейинги вақтлар телевизорда машҳур «Ишдаги ишқ» фильмини кўп қўядиган бўлишди. Ҳисоблаб кўрсам, ўтган йилнинг ўзида шу киноҳангомани беш марта кўрибман. Очиғи, экран ижодиётининг бу «мумтоз» намунаси томошабинни зериктирмайди. Дубляжнинг қойилмақомлигини айтмайсизми?

Аммо, кейинроқ бу фильмни хушламай қўйдим. Ундаги ҳажвий сюжетни ҳаётга, янаям аникроғи, ўзимизга хос маънавий муҳитга кўчириб кўрсам, ғирт бачкана ҳолат юзага келадигандек. Яна билмадим...

Ҳай, майли, қисқаси мен нуфузли бир идорада ишлайман. Жамоамиз худди ўша кинодагидек катта, аҳил, иноқ. Шу вақтгача ҳамкасблар орасидан ортиқча араз-дараз гап, гинахонлик ўтмаган. Бизда эркагу аёл, каттаю кичик, барчаси тенг, самимий, дўстона муносабатда бўлиб келишган.

Икки йил аввал жамоамизга Саодат исмли мутахассис аёл келиб қўшилди. Гап-сўзлари, муомала маданияти бинойи, жамоага тезда қўшила олди. Ҳазил-ҳузулга уста бу аёл ўзининг киришимлилиги, очиққўнгиллиги, айни вақтда ўта назокатлилиги билан атрофдагиларни бемалол ром қила олиши мумкин эди.

Бир сафар у бизни туғилган куни муносабати билан уйига меҳмондорчиликка таклиф қилди. Кўриб билдикки, янги ҳамкасбимизнинг ҳавас қилса арзигулик оиласи, икки ўғилчаси, самимий, меҳрибон турмуш ўртоғи бор экан. Хуллас, шу куни ажабтовургина меҳмондорчилик бўлди, раҳбаримиз янги ҳамкасбимизнинг, оила аъзоларининг шаънига илиқ тилаклар айтди, ўйин-кулги, хурсандчилик авжига минди.

Келганига ҳали у қадар кўп бўлмаган ҳамкасбимиз ишда ҳам муваффақиятларга эриша бошлади. Аввал бўлим бошлиғи, сўнгра катта раҳбарга ўринбосар бўлди. Хуллас, бу кишим шу кундан бошлаб Саодат Ҳамроевнага айланди-қолди.

Хушёр жамоамизни эса бошқа нарса ўйлантирарди. Саодат Ҳамроевна билан «катта»мизнинг ўртасидаги муносабатлар тобора бошқача, аникроғи, кинодаги каби ошиқона тус олаётган-

# ҲАЁТ... КИНО ЭМАС

дек эди. Буни раҳбар ва ўринбосар бир-бирларининг хонасида соатлаб қолиб кетиши, кўп жойларга бирга бориши, юриш-туришларида, ишда ҳам ўзаро яқин муносабатда бўлишларидан яққол сезиш мумкин эди.

Бир куни ўз юмушларим билан банд бўлиб, ишхонада алламаҳалгача қолиб кетдим. Жамоадошларимизнинг ҳаммаси аллақачон уй-уйларига кетиб бўлишган эди. Чала-чулпа ишларимни якунлаб, уйга ошиқдим. Йўлакка чиқиб қарасам, қабулхона эшиги қия очиқ. Чироқ ўчмаган. Ичкаридан таниш овозлар эшитилиб турар, товушнинг аниқ-равон эмаслиги боис, суҳбат мавзуси нима ҳақда эканини билиб бўлмас эди.

Метрога тушганимда соат кечки ўндан ошганди. Бундай вақтлар поездлар қатнови бироз сийраклашиб қолади чоғи, узоқ кутишга тўғри келди. Шу пайт рўпарадан афти-ангори таниш бўлган қирқ ёшлардаги киши нимтабассум билан мен томонга кела бошлади. У мени узоқдан таниб келаётганини билсамда, шу тобда унинг кимлигини эслолмадим. У сўрашишга қўл узатди. Ишимизнинг боришини, ҳамкасбларни, раҳбаримизнинг ҳол-аҳволларини сўраб, тавозе билан гап бошлагач, унинг кимлигини эсладим — Саодат Ҳамроевнанинг эри, Мурожон. Ўшандаёқ, бир кунлик меҳмондорчиликда мезбонликни роса ўрнига келтирган бу камтарин, беғубор инсонни бир кўришда таниёлмаганимдан хижолат чекдим.

— Болалар ойимларникида эди,— деди Муроджон ниҳоят ўзидан гап очиб,— Саодатхон йўқ эдилар, уйда зерикдим. Болаларни олиб келишга Себзорга кетаётувдим. Ҳозир таътил вақти, улар ҳам зерикишгандир.

Индамай бошимни қимирлатиб қўя қолдим. Ич-этимни нимадир кемира бошлади. Боз устига, поезд жонивор ҳам роса ҳаялласа, денг...

— Саодатхон янги лавозимга кўтарилганларидан кейин уйга анча кеч қайтадиган бўлиб қолдилар, — ҳамон гапида давом этарди у. — Энди раҳбарлик ҳам қийин-да. Масъулияти катта. Ўзингизни кўп уринтирманг, биров миннатдор бўлармиди, десам унамайдилар. Начора, ўзлари қизиққан, ўқиган соҳа. Бизни деб, ташлаб кетсалар яна бўлмаса...

Ҳеч қандай эътироз билдирмадим. Бахтимга кутаётган темироёқ уловим шитоб билан келиб тўхтади-ю, хайр-маъзурни қисқа қилиб, ўзимни вагонга урдим. Саодат Ҳамроевнанинг беҳаёлиги-ю, эр шўрликнинг калтафаҳм, бўшанглиги баравар ғазабимни қўзғарди.

Энг ёмони, кинода топишганлар сўққабош эди, бизнинг «қаҳрамон»лар эса...

**Алишер РАҲМАТОВ.**

# ПАТИРЧИНИНГ ТЕШИККУЛЧАСИ

*(Ёки шоир Далли-ёр ҳузурида)*

Катта, оғир эшикни аранг очиб ичкари кирдик. Тўрдан «Келаверинг, биродар, Далли-ёрнинг нафасига елаверинг, жон ўртоқ!» деган товуш келди. Далли-ёрнинг ўзи кўринмас, аммо бели оғриган одамдай кучаниб шеър ўқирди. Бир вақт стол ортидан шоирнинг ўзи инқиллаб туриб келди. У видеога ёздириб қўйган шеърларини диванда ётиб эшитишни яхши кўрар экан. Биз дарҳол саволга ўтдик.

— Илгари шеърларингиз «Хатирчилик патирчи» деган ном билан чиқарди. Лақабингизни ўзгартирибсизми?

— Лақаб итда бўлади, тўрткўз, олабош ва ҳоказо. Бизникини мутахаллус дейдилар. Шеърият зинасига энди қадам босганимизда кўз тегмасин, деб туғилган юрт номига суяндик. Хатирчидан келиб, шеърталабларга ширин-ширин кулча улашдик. Яъни патирчилик қилдик. Ана энди зиналар оша-оша машҳур шоирлар оёғини осилтириб ўтирган томга ҳам чиқиб олдик. Энди патирчиликни лабининг чети оқарган хом баччаларга бериб, ўзимиз «Далли-ёр» мутахаллусига ноил бўлдик.

— Далли-ёр, тушунмадик, оға?

— Елканинг устига қўнган ошқовоқни ишлатиш керак, шўрпешона! Қишлоғимизнинг четидан Даллисой оқиб ўтади. Мен кечаси ой чиққанда сой бўйига бориб, хаёл суриб ўтирардим. «Эй, Даллисой, бизни ҳам қуруқ қўйма, шабадангдан бир кафт тегиниб кет, деб илтижо қилардим! Биласиз, Даллисой — Тентаксой дегани. Бир куни ўша Тентаксойдан

**Ҳажвия**

ғув этиб шабада келдию, қоқ манглайимга шапалоқдек урилди. Шу-шу, юрган йўлимда ғўлдираб айқаш-уйқаш шеър тўқиб юрадиган бўлдим. Қарасам, менинг ғўлдираганларим газетада чиқаётган бошқа ғўлдироқларникидан қолишмайди. Турса — тириги, ўлса — ўлиги ортиқ. Шу-шу, Хатирчи торлик қилди, поезднинг тамбурига илиниб, Тошкентга жўнадик.

— Бу кетишда эҳтимол Тошкент ҳам торлик қилиб қолар Сизга?

— Ажабмас! Одатда генийлар қишлоқда туғилиб, азим шаҳарда ҳайкалга айланадилар.

— Янги китобингизга «Хаёл — ғувв» деб ном қўйибсиз. Бу нимани билдиради?

— Менинг фариштадек учқур хаёлларим юракларга безовталик солиб учгани-учган. Ҳар ғув этганда марвариддек шеърий томчилар тўкилади. Бу ёғини тил ва адабиёт институтининг ходимлари изоҳлаб берар.

— Агар ўзингизга рейтинг белгиласангиз, кимлардан олдин, кимлардан кейин турган бўлардингиз?

— Ҳа, энди Эркин Воҳидов билан Абдулла Ориповни тирсаклаб, олға ўтиш инсофдан эмас. Мабодо ўзлари, қани, ука, ортимиздан илашиб юрма, бемалол олдинга ўтиб кетавер, деса, бошқа гап.

— Барибир сиз XXI асрда янги бир шеъриятга асос солдингиз. Сиз нима дейсиз, мана бунақа кашфиёт даражасидаги сатрларингизни ўқувчилар ҳазм қила олармикан? Масалан, ошиб кетар кўзларнинг сатҳи, супурги миниб учар момоҳаволар, тўрт уйландим, хотин тўраларнинг исми қибла экан, жоним қурбақага эврилди, вақ!

— Менинг шеърларимни ҳазм қилолмаганлар, дўхтирга учрашсин, ошқозонларини тузатсин!

— Охирги савол. Келгуси режаларингиз?

— Янги китоб тайёрладим. Унга «Ҳайё-хувв!» деб ном қўйдим. Бунда ҳам рамзий маъно бор.

Далли-ёрнинг «Ҳайё-хувв!» деган кейинги ниятига омад тилаб, хайрлашдик. Биз остонага етмасдан у тағин стол тагига кириб кетди. Патнисдек экранда эса Хатирчидан чиққан кечаги патирчи қўл силтаб шеър ўқирди:

— Хаёл-ғувв!!! Тулум-тулум!!! Лай-лум!!! Вақ!!!

**Саъдулла СИЁЕВ.**

## Бекажон

### МАККАЖЎХОРИЛИ САЛАТ

**Керакли масаллиқлар:** *200 гр. қайнатилган маккажўхори; 1 боғ кашнич; 6 та қайнатилган тухум; 4 та бодринг; 4 та қайнатилган картошка; 250 гр. майонез.*

**Тайёрлаш усули:** ҳамма масаллиқни маккажўхори катталигича тўғраб, майонезга қорамиз. Тузини ростлаймиз.



**Об-ҳаво**

Гидрометеорология бош бошқармасининг хабар беришича, 14 январь куни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 7-12 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ бўлади.

Утерянный гос. ордер № 07-01/8803 от 22.03.1993 г., выданный Маматкуловой Саре на право собственности на квартиру,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Пскент тумани ҳокимлиги жамоаси «Пскент ҳаёти» газетаси муҳаррири Тўхтамурод Ҳасанбоевга падари бузруквори **Шомурод ҲОЖИ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.




*Циркда шилқимлик қилиб, ҳаммани жиғига тегаётган ширакайф йигит завқланиб чапак чалди:*

*– Қойил, муштдай одам тоғдай филни ўйнатаяпти!*

*Унинг қилиғига ғаши келиб ўтирган Афанди деди:*

*– Ажабланмасангиз ҳам бўлади, йигит, ярим шиша ароқ сизни маймун қилиб ўйнатаяпти-ку!*

* * *

*Раис пешингача ухлаб ётган Афандини уйғотиб, таъна қилди:*

*– Насриддин почча, янгам далада ишлаяптилар, сиз эса хурракни батанг қилиб ётибсиз, уят эмасми?*

*– Ўша янгангизга етишгунча ойлаб ухламаганман, энди ҳиссасини чиқараяпман, – деди Афанди ҳомуза тортиб.*

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-342. Адади 12342. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30. 1 2 3 4 5